

---

## #Paxta

Бешариқнинг тоғ ва дарёлари йўқ, аммо кўкси тоғ, қалби дарё одамлари бор. Уларнинг она тупроққа меҳрлари туфайли ҳосил хирмонлари тоғга айланиб, бу тоғлардан бошланган ирмоқлар дарёларни ҳосил қилиб, эл-юрт дастурхонига қут -барака, кўчаларига равонлик, мактаб ва боғчаларига ободлик, хонадонларига фаровонлик олиб кирмоқда.

Ҳа, мана шундай Ҳазрати инсонлар туфайли туманимиз кундан кунга равнақ топмоқда, чирой очмоқда.

Бугун туман ҳокими Расулжон Жўраев ушбу инсонларни дилларини шод қилиш мақсадида далага ташриф буюрди ва бир гуруҳ илғор теримчиларга эсдалик соғаларини топширди.

📍Бешариқ тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2023-09-26 08:57:19